

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**169** Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2443*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 346-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 5-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Эксперт кенгаши тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 1996 йил 25 январдаги 34/2-сон қарори билан тасдиқланган Эксперт кенгаши тўғрисида низом (рўйхат рақами 263, 1996 йил 10 июль);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2003 йил 17 июлдаги 96/6-сон «Эксперт кенгаши тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 263-1, 2003 йил 12 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 15-сон);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2009 йил 24 декабрдаги 160/14-сон «Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 263-2, 2010 йил 20 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 3-4-сон, 22-модда).

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Г. БАХАДИРОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 31 январь,  
195/5-сон

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий  
аттестация комиссияси Раёсатининг  
2013 йил 31 январдаги 195/5-сон қарорига  
ИЛОВА

### Эксперт кенгаши тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда), «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 346-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртдан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-гадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 5-модда) мувофиқ эксперт кенгаши фаолиятини тартибга солади.

#### I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**экспертиза** — талабгорнинг аттестация ишини ва аттестациядан ўтказиш ишларига оид бошқа материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринларда ОАК деб юритилади) томонидан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини баҳолаш;

**илмий экспертиза** — диссертация илмий натижаларининг тўғрилиги, янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти ва диссертация ишларини баҳолаш мезонларига мос келиши ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини баҳолаш;

2. Эксперт кенгаши ўз фаолиятида тегишли қонун ҳужжатлари талабларига амал қилади.

3. ОАК раҳбарияти эксперт кенгаши фаолиятини назорат қилиб боради ва унинг фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга масъулдир.

## II боб. Эксперт кенгашининг асосий вазифалари ва функциялари

4. Қўйидагилар эксперт кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади: ташкилотларнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда уларни аттестациядан ўтказиш соҳасидаги таклифларини кўриб чиқиш ҳамда уларга баҳо бериш;

фан ва техниканинг энг янги йўналишлари ҳамда халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўyxатини такомиллаштиришга оид таклифларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш;

фан доктори илмий даражасини ва илмий унвон берувчи илмий кенгашларнинг илмий даража ва илмий унвонлар бериш ишларини назорат қилиш;

фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тузиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

диссертацияларнинг илмий савиясини, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

илмий даража ва илмий унвон талабгорларига қўйиладиган талабларнинг ягоналигини таъминлаш;

диссертацияларни юқори даражада экспертизадан ўтказилишини таъминлаш;

диссертация натижаларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг фан ва техникани ривожлантириш, иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўналишларига мослигига баҳо бериш.

5. Эксперт кенгаши ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашларнинг энг мақбул (оптимал) тармоғини шакллантиришда иштирок этади;

фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашларни тузиш ва қайта тасдиқлашга оид ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда уларни тузишнинг мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулосалар беради;

фан доктори илмий даражасини ва илмий унвонлар берувчи илмий кенгашларнинг иш тажрибасини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

фан доктори илмий даража ва илмий унвонлар бериш бўйича мурожаатномаларни кўриб чиқади ва улар юзасидан ОАК Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун тегишли тавсиялар тайёрлайди;

нострификация қилиш бўйича мурожаатномаларни кўриб чиқади ва ОАК Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун тегишли тавсиялар тайёрлайди;

илмий даражалар ва илмий унвонлардан маҳрум этиш ва уларни тиклаш масалаларини кўриб чиқади ва ОАК Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун тегишли тавсиялар тайёрлайди;

фан доктори илмий даражасини ва илмий унвон берувчи илмий кенгашларнинг қарорлари юзасидан берилган апелляцияларни кўриб чиқади

ва ОАК Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун тегишли тавсиялар тайёрлайди;

ҳимоя қилинган диссертацияларнинг илмий ва амалий натижаларини таҳлил қилади ва улар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва Фанлар академиясига тегишли материаллар тайёрлайди;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатини такомиллаштиришга, янги ихтисосликлар паспортлари ва малакавий имтиҳонлар дастурларини тайёрлашга оид таклифларни кўриб чиқишда қатнашади;

фуқаролар ва ташкилотларнинг мурожаатларини, жумладан апелляцияларни кўриб чиқишда иштирок этади;

ОАК Раёсатига фан доктори илмий даражасини ва илмий унвон берувчи у ёки бу кенгаш фаолиятини давом эттириши мақсадга мувофиқлигига ёхуд кенгаш раҳбариятини ўзгартиришга доир тавсиялар тайёрлайди;

ОАК раҳбарияти топшириғига асосан, катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилик институтлари томонидан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш сифатини мониторингини ўтказишда иштирок этади;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишга алоқадор бошқа масалаларни кўриб чиқади.

### **III боб. Эксперт кенгашининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

6. Эксперт кенгаши қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашларга қўшимча хулоса олиш учун диссертацияларни юбориш;

етарлича асосланмаган хулосани қайта ишлаш учун фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга қайтариш;

илмий даража талабгорларини, диссертация ҳимояси ёки унинг жамоавий тақризи ўтказилган фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раҳбарини, расмий оппонентларни, илмий маслаҳатчиларни, шунингдек етакчи ташкилот вакилларини ўз мажлисларига таклиф қилиш;

ўз мажлисларида фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ва илмий унвон берувчи илмий (илмий-техникавий) кенгаш раҳбарининг ҳисоботларини эшитиш;

ўз вакилларини фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш мажлисларига юбориш;

зарур ҳолларда, диссертация бўйича расмий оппонентларни тавсия этиш;

фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар фаолиятини текширишда ОАК номидан иштирок этиш.

7. Эксперт кенгаши мазкур Низом ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун жавоб беради.

**IV боб. Эксперт кенгашини тузиш**

8. ОАКнинг эксперт кенгашлари турли фан соҳалари ва иктисодиёт тармоқларининг етакчи мутахассис-олимларидан иборат таркибда тузилади.

Эксперт кенгашининг раиси ва аъзолари ОАК Раёсати томонидан олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, вазирликлар, идоралар ва Фанлар академиясида фаолият юритаётган шахслар орасидан ОАК раҳбарияти тавсиясига асосан тасдиқланади.

9. Эксперт кенгаши таркибига камида беш йиллик илмий-педагогик иш тажрибасига эга бўлган ҳамда илмий даража олган мутахассис тайёрлаган фан докторлари киритилади, фан номзодини эксперт кенгашининг илмий котиби этиб тайинланишига, истисно тариқасида, йўл қўйилади.

Эксперт кенгаши аъзолари камида тўққиз нафар ва кўпи билан йигирма бир нафар фан докторларидан иборат таркибда шакллантирилади.

10. Эксперт кенгаши таркиби фаолияти давомида таркибининг учдан бир қисмини янгилаш шarti билан ОАК Раёсати томонидан уч йил муддатга тасдиқланади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, эксперт кенгаши таркибига ОАК раисининг буйруғига асосан қисман ўзгартириш киритилиши мумкин, ушбу буйруқ кейинчалик ОАК Раёсати мажлисига тасдиқлаш учун киритилиши лозим.

Эксперт кенгаши таркибида сурункасига икки муддатдан ортиқ ишлаш мумкин эмас. Эксперт кенгаши таркибидан чиққан аъзолар эксперт кенгаши таркибига уч йил ўтгандан кейин қайта киритилиши мумкин.

Эксперт кенгаши раиси, раис ўринбосари ва илмий котиби вазифасини бажариш муддати уч йилдан ошмаслиги лозим ҳамда кейинги уч йил ичида ушбу вазифаларга қайта тасдиқланиши мумкин эмас.

11. Бир ташкилот ходимлари битта эксперт кенгашининг раиси ва ўринбосари, эксперт кенгаши аъзолари фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Эксперт кенгашининг аъзолари мажлисларда фаол иштирок этмаганда ва диссертация экспертизасига оид маълумотларни ошкор қилганда эксперт кенгашининг таркибидан чиқарилади.

**V боб. Эксперт кенгаши ишини ташкил этиш**

12. Эксперт кенгаши ишига эксперт сифатида таҳлилий ишларни олиб бориш ҳамда диссертация ва аттестация ишларини кўриб чиқишда иштирок этиш учун тегишли фан соҳалари бўйича фан докторлари жалб қилиниши мумкин.

13. ОАК Раёсати аъзолари эксперт кенгаши ишида иштирок этишлари мумкин эмас.

14. Эксперт кенгаши мажлислари эксперт кенгаши раиси раҳбарлигида ўтказилади. Эксперт кенгаши раиси турли сабабларга кўра эксперт кенгаш мажлисида иштирок этаолмаган тақдирда, унинг вазифасини раис ўринбо-

сари ёки ОАК раҳбарияти томонидан тайинланган эксперт кенгаши аъзоларидан бири бажаради.

Эксперт кенгаши мажлислари унинг ишида эксперт кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

15. Эксперт кенгашининг тавсиялари ва хулосалари очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Зарур ҳолларда, эксперт кенгашининг тавсиялари ва хулосалари холислигини таъминлаш мақсадида ёки эксперт кенгаши аъзоларининг кўпчилиги таклифига кўра ёпиқ овоз бериш ўтказилиши мумкин.

Эксперт кенгаши қарори мажлисда иштирок этган ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми томонидан ёқлаб овоз берилганда, қабул қилинган ҳисобланади.

16. Эксперт кенгаши хулосалари тавсиявий характерга эга бўлиб, кенгаш томонидан мустақил равишда қабул қилинади ҳамда ОАК Раёсати тасдиқлаган кундан эътиборан кучга киради.

17. ОАК раҳбарияти эксперт кенгашининг мажлиси мазкур Низом талаблари бузилган ҳолда ўтказилган ва асоссиз қарор қабул қилинган тақдирда, диссертация ишини мустақил ёпиқ экспертизага бериб, мустақил экспертиза натижаси асосида эксперт кенгашига масалани такроран кўриб чиқишни таклиф этишга ҳақли.

18. ОАК Раёсати ёки раҳбариятининг топшириғига асосан, ОАКнинг тегишли бўлимлари томонидан эксперт кенгаши қарори билан ихтисосликлараро ёки турли фан соҳалариаро мавзулардаги диссертациялар ва аттестация ишларини кўриб чиқиш учун эксперт кенгашларининг қўшма мажлиси ташкил қилиниши мумкин.

19. ОАКнинг эксперт кенгаши бўйича масъул ходими унинг мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиб, эксперт кенгаши илмий котиби билан биргаликда диссертация ва аттестация ишининг тўла-тўқис сақланиши ва уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши учун масъулдир. Эксперт кенгаши йиғилишларида ОАК раҳбарияти ҳам иштирок этиши мумкин.

20. Бошқа эксперт кенгашлари аъзолари ва мутахассис-олимлар ҳам кенгаш мажлисида эксперт кенгаши қарорига мувофиқ иштирок этишлари мумкин. Эксперт кенгашига таклиф қилинган мутахассислар эксперт кенгашида маслаҳат овози билан иштирок этади.

21. Эксперт кенгаши мажлисида тегишли диссертация бўйича расмий оппонент, илмий маслаҳатчи ва етакчи ташкилот тақризини имзолаган эксперт кенгаши аъзолари иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

22. Эксперт кенгаши қарорлари, хулосалари ва мажлис баённомалари раислик қилувчи ва илмий котиб томонидан имзоланади ва беш кун ичида ОАКнинг эксперт кенгаши бўйича масъул ходимига топширилади.

23. Фан доктори илмий даражасини ҳамда илмий унвонлар бериш бўйича мурожаатномалар эксперт кенгаши томонидан икки ой ичида кўриб чиқилади.

Фуқаролар ва ташкилотларнинг мурожаатлари эксперт кенгашининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилиши шарт.

24. Эксперт кенгаши аъзолари ўзлари тайёрлаган хулосаларнинг белги-ланган муддатда тақдим этилиши ҳамда эксперт кенгаши мажлисида кўрилган масалалар юзасидан қабул қилинган тавсиялар ва хулосаларнинг асослиги ва холислиги учун масъулдир.

25. Диссертация ва аттестация ишлари юзасидан эксперт кенгаши қарорлари ОАК Раёсати мажлисида Бош илмий котиб ва эксперт кенгаши раиси ёки ўринбосари томонидан тақдим этилади.

26. Эксперт кенгаши июль-август ойларида фаолият юритмайди ва ушбу ойлар диссертация ва аттестация ишларини кўриб чиқиш муддатларини ҳисоблашда инобатга олинмайди.

27. Эксперт кенгаши ўтган йилдаги ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ҳар йили 10 январдан кечиктирмай ОАКга тақдим этади.

#### **VI боб. Илмий даража ва илмий унвондан маҳрум этиш ёки уларни тиклаш масалаларини кўриб чиқиш**

28. Эксперт кенгашига илмий даража ёки илмий унвондан маҳрум этиш ёки уларни тиклаш масаласини кўриб чиқиш учун асос бўладиган материаллар келиб тушган тақдирда, материаллар эксперт кенгаши томонидан тузилган камида беш нафар аъзодан иборат комиссияга ўрганиш учун топширилади.

Комиссия томонидан ўрганиш натижалари бўйича хулоса чиқарилади ва мазкур хулоса тегишли материаллар билан бирга, эксперт кенгаши мажлисида кўриб чиқиш учун топширилади. Комиссия хулосаси эксперт кенгаши томонидан бир ой ичида кўриб чиқилади.

29. Эксперт кенгаши мажлиси илмий даража ёки илмий унвондан маҳрум этиш ёки уларни тиклаш масаласи қўйилган шахс иштирокида ўтказилади. Шахс бу ҳақда мажлис ўтказилишидан камида беш кун олдин огоҳлантирилиши шарт. Агар шахс мажлисга узрсиз сабабларга кўра келмаса ёки мажлисга келишдан бош тортса, эксперт кенгаши томонидан унинг иштирокисиз мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур шахс узрли сабабларга кўра мажлисга келаолмаслиги ҳақида олдиндан хабар қилганда, кенгаш мажлиси бошқа кунга қолдирилади.

30. Эксперт кенгаши томонидан илмий даража ёки илмий унвондан маҳрум этиш ёки уни тиклаш юзасидан яширин овоз бериш ўтказилади. Эксперт кенгаши хулосаси мажлисида иштирок этган ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган эксперт кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми томонидан ёқлаб овоз берилганда, қабул қилинган ҳисобланади.

31. Эксперт кенгаши қўйидаги хулосалардан бирини қабул қилади:  
илмий даража ёки илмий унвондан маҳрум этиш ёки уларни тиклаш тўғрисида;

илмий даража ёки илмий унвондан маҳрум этмаслик ёки уларни тиклашмаслик тўғрисида.

Бунда эксперт кенгаши томонидан тегишли масала бўйича асослар акс этирилган хулоса тайёрланади.

Эксперт кенгашининг хулосаси кўриб чиқиш ва мазкур масала юзасидан якуний қарор қабул қилиш учун ОАК Раёсати мажлисининг кун тартибига киритилади ҳамда ОАК Раёсати томонидан тегишли қарор қабул қилинади.

### **VII боб. Апелляцияни кўриб чиқиш**

32. Фан доктори илмий даражаси ёки илмий унвонлар берувчи илмий кенгашлар қарорлари ва ОАК Раёсати қарори юзасидан берилган апелляция эксперт кенгаши томонидан ОАКнинг Тартиб-қоида комиссияси топшириғига асосан кўриб чиқилади.

33. Эксперт кенгаши апелляцияни кўриб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни апелляция берган шахслардан ва тегишли илмий кенгашлардан сўраб олиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

34. Апелляция эксперт кенгаши мажлисида кўриб чиқиладиганда, унда манфаатдор шахслар, жумладан апелляция берган шахс, унинг илмий маслаҳатчиси ва диссертация бўйича расмий оппонентлар ҳамда мажлис раиси таклиф этган мутахассис-олимлар иштирок этишлари мумкин.

Апелляция берган шахс ва бошқа манфаатдор шахслар мажлис ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида мажлис бўладиган кундан камида беш кун олдин хабардор этилиши лозим.

35. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича хулоса ёпиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Эксперт кенгаши мажлисининг хулосаси унда иштирок этган аъзоларнинг камида учдан икки қисми томонидан ёқлаб овоз берилган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади.

Эксперт кенгашининг хулосаси кўриб чиқиш ва апелляция бўйича якуний қарор қабул қилиш учун ОАК Раёсати мажлисининг кун тартибига киритилади ҳамда ОАК Раёсати томонидан тегишли қарор қабул қилинади.

### **VIII боб. Якуний қоида**

36. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан келишилган.

*Маданият ва спорт  
ишлари вазири*

*Т. КУЗИЕВ*

*2013 йил 14 январь*



*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

**Б. ХОДИЕВ**

*2013 йил 28 январь*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**А. АЛИМОВ**

*2013 йил 17 январь*

*Халқ таълими вазири*

**Т. ШИРИНОВ**

*2013 йил 18 январь*

*Қишлоқ ва сув  
хўжалиги вазири*

**З. РУЗИЕВ**

*2013 йил 23 январь*

*Ташқи ишлар вазири*

**А. КОМИЛОВ**

*2013 йил 22 январь*

*Фанлар академияси  
президенти*

**Ш. САЛИХОВ**

*2013 йил 15 январь*

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Фан ва технологияларни  
ривожлантиришни мувофиқлаштириш  
қўмитаси ижроия аппарати раҳбари*

**О. ПАРПИЕВ**

*2013 йил 16 январь*